

**“АГРОБАНК” акциядорлик тижорат банки
акциядорларининг навбатдаги йиллик
умумий йиғилишининг**

36 - сонли

Б А Ё Н Н О М А С И

2018 йил 20 июнь
соат 10-00

Тошкент шаҳри,
Муқимий кўчаси, 43-уй

“Агробанк” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда “Банк” деб юритилади) акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли овоз берувчи акциялар сони **1 749 376 822** дона. Жами овоз берувчи акциялар сони **1 851 351 565** дона. Йиғилиш кворуми **94,5** фоиз.

РАИСЛИК ҚИЛДИ

А.Р.Каримов

Қатнашдилар :

Банк акциядорлари ва уларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади).

Кенгаш аъзолари: А.Р.Каримов, А.Д. Вахабов,
Ш.Ш.Мирзаев

Тафтиш комиссия аъзоси: Р.М.Хайтметов

Банк Бошқаруви: С.С.Ходжаев, Р.У.Маматкулов, М.А.Ачилов,
И.А.Уразкулов, Ж.А.Саипов, М.Қ.Эшматов,
А.С.Шеров

Таклиф этилганлар:

“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ Бошқаруви
раиси - М.А.Каримов

“PricewaterhouseCoopers” ташқи аудиторлик
компанияси вакили - Н.Ю.Йўлдашев

Банкнинг таркибий тузилмалари раҳбарлари

А.Р.Каримов - Банк акциядорларининг умумий йиғилиши котиби этиб,
Банк аппаратининг Оғзаки ва ёзма мурожаатлар билан ишлаш бўлими
бошлиғи З.У.Маматкулов номзоди маъқулланди.

ЭШИТИЛДИ:

А.Р.Каримов - Банк акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибини тасдиқлаш тўғрисида.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Банк акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартиби кўйидагича тасдиқлансин:

КУН ТАРТИБИ :

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Банк Кенгашининг 2017 йил якунлари бўйича ҳисоботини эшитиш.
4. Банк Бошқарувининг 2017 молиявий йил якунлари ва 2018 йилдаги асосий фаолият йўналишлари тўғрисида ҳисоботларини кўриб чиқиш.
5. Банкнинг 2017 йил фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг хулосасини кўриб чиқиш.
6. Банкда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
7. Банкнинг 2017 молиявий йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш.
8. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш.
9. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
10. Банк Бошқаруви раиси билан тузилган меҳнат шартномасини 1 (бир) йил муддатга узайтириш.
11. Банкнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
12. Банкнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш.
13. Банк Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.
14. “Банк акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Банкнинг Кенгаши тўғрисида”ги, “Банкнинг Бошқаруви тўғрисида”ги ҳамда “Банкнинг Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.

15. Банк томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар битимлар тузилиши мумкин бўлган аффилиланган шахслар рўйхатини тасдиқлаш.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЭШИТИЛДИ:

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш кун тартибидаги 1 – масала

Йиғилиш раиси Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибига банк Кенгаши томонидан тавсия этилган қуйидаги номзодларни тасдиқлашини акциядорлардан сўради.

Абсаламов Бахтияр Аширбаевич - "Leader Finance" МЧЖ директори, комиссия раиси.

Очилов Шухратилла Тоштемирович - Банкнинг Ғазначилик департаменти бошқарма бошлиғи в.б, комиссия аъзоси.

Ибрагимова Мукаддас Абдукадировна - Банкнинг Ғазначилик департаменти бош мутахассиси, комиссия аъзоси, комиссия котиби.

Йиғилиш кун тартибидаги 2 – масала

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан йиғилиш раиси томонидан кун тартибидаги масалалар бўйича маъруза ва музокарага чиқувчилар учун йиғилиш регламентини қуйидаги тартибда тасдиқлаб олиш сўралди:

Банк Бошқаруви раисига 30 дақиқагача, кун тартибидаги бошқа масалалар бўйича 10 дақиқагача, музокарага чиқувчилар учун 5-10 дақиқагача вақт ажратилиши таклиф этилди.

Йиғилиш кун тартибидаги 3 – масала

Банк Кенгашининг 2017 йил якунлари бўйича ҳисоботи юзасидан **А.Р.Каримов** томонидан ҳисобот берилди.

Банк Кенгаши ўз фаолиятини Президентимизнинг Фармон, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда банк Устави ва “Банк Кенгаши тўғрисида”ги Низомларга мувофиқ амалга ошириб келмоқда.

Бугунги кунда юртимизда кечаётган ҳар бир жараён ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мамлакатимизнинг тараққиётини янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта

устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришга хизмат қилмоқда.

Бундай чора-тадбирлар мамлакатимиз молия-банк тизимида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ҳаёт тарзини янада яхшилаш йўлидаги устувор мақсад ва вазифаларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Банк томонидан ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилишга, аҳолининг моддий ва маънавий шароитини яхшилашга ҳамда ёшларнинг истиқболли бизнес лойиҳаларини кредитлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш, жисмоний шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, оилаларнинг турмуш шароитини яхшилаш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадларига кредит маблағлари ажратилиши натижасида янги иш ўринлари яратилиши билан бирга аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган сифатли ва арзон нархларда маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Агробанк ўз инфратузилмаси билан мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларини қамраб олган бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 та вилоят бошқармасида 178 та филиал, 195 та минибанк ва 170 та махсус кассаси фаолият юритмоқда. Улар орқали 246 мингдан зиёд юридик ҳамда 2 миллион 400 минг нафардан ортиқ жисмоний шахс, яъни аҳоли ва миждозларга қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда хизматлар сифатини ошириш мақсадида барча турдаги замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Ҳисобот йилида банкнинг корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилди ҳамда ташкилий тузилмаси тубдан қайта кўриб чиқилиб, ходимлар малакасини ошириш, уларни замонавий тажрибалар асосида етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўқитиш ишлари Кенгашнинг доимий диққат марказида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан банкнинг **9 нафар** ходими Корпоратив бошқарув илмий таълим марказида ўз малакасини оширди. Шунингдек, ривожланган чет эл мамлакатларида (Италия, Вьетнам, Хитой, Белоруссия, Латвия, Туркия) ташкил этилган ўқув семинар курсларида **17 нафар** банк ходимлари иштирок этилиши таъминланди. Бугунги кунда

35 нафар мутахассислар Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқарув академияси ва Банк-молия академияларида таълим олмоқда.

Кенгаш томонидан ҳисобот даври мобайнида банк фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган жами 50 та йиғилиш бўлиб ўтди ва ҳар бир масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Банкнинг, кредит, инвестиция, бухгалтерия ҳисоби, эмиссия сиёсатлари ҳамда банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари тасдиқланиб уларнинг талабларига қатъий риоя қилиш бўйича банк Бошқарувига кўрсатмалар берилди.

Бошқарувнинг ҳамда Ички аудит департаментининг ҳисоботлари ҳар чоракда эшитилиб борилди, тегишли қарорлар қабул қилиниб, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Бундан ташқари, Кенгаш хузурида ташкил этилган Кредит қўмитаси, Инвестиция, Таваккалчиликларни ҳамда Ликвидликни бошқариш қўмиталари ҳисоботлари, банкнинг 2017 йилга мўлжалланган Бизнес-режаси ижроси ҳамда банк ликвидлиги борасида амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботлар эшитилиб тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мухтасар қилиб айтганда, **“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”**да ҳам “Агробанк” акциядорлик тижорат банки томонидан банк мижозларига, фермер ва тадбиркорларга, жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган тезкор ва ишончли хизматлар, ажратилаётган кредитлар иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши, юрт ободлиги ва аҳоли фаровонлиги йўлидаги эзгу мақсадлар ҳамда устувор вазифаларнинг изчил амалга оширилишига хизмат қилаверади. Бу эса банк молиявий ҳолатининг изчил ва самарали тарзда яхшиланиб, хизмат турларининг ривожланишига олиб келади.

Йиғилиш кун тартибидаги 4 - масала

Банк Бошқарувининг 2017 молиявий йил яқунлари ва 2018 йилдаги асосий фаолият йўналишлари тўғрисида ҳисоботлари юзасидан С.С.Ходжаев томонидан ҳисобот берилди.

Ўтган 2017 йилда Агробанк фаолиятини янада ривожлантириш, хусусан капиталлашув даражасини ошириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали иқтисодиётдаги, хусусан аграр тармоқдаги иштирокини тубдан кенгайтиришга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 16 июндаги ПҚ-3066-сонли қарорга мувофиқ банкнинг устав капиталига “Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси”нинг маблағлари ҳисобидан **100 млн. АҚШ доллари** миқдоридан маблағлар йўналтирилди.

Шунингдек, 2017 йилда банкнинг рейтинг кўрсаткичларига узоқ вақт давомида жиддий салбий таъсир кўрсатган ҳамда халқаро алоқаларининг кескин чегараланишига сабаб бўлган камомад тўлиқ қопланди

(259,7 млрд. сўмлик).

Жорий йилнинг май ойи бошида “Pricewaterhousecoopers” ташқи аудиторлик компаниясининг 2017 йил банк фаолияти натижалари бўйича ижобий хулосаси олинди.

Ҳисобот санасига банкнинг умумий капитали **1 374 млрд. сўм**, устав капитали **1 336 млрд. сўмни** ташкил этиб, капиталлашувни ошириш бўйича кўрилган чоралар натижасида банк капитали 2017 йил бошига нисбатан мос равишда 842 млрд. сўмга ёки *258 фоизга* ўсди. 2017 йил якунида банк ресурс базаси **4 трлн. 717 млрд. сўм**, шундан жалб қилинган депозитлар **1 трлн. 716 млрд. сўмни** ташкил қилди (*йил бошига нисбатан 735 млрд. сўмга камайди*).

Хусусан, ўтган йилда банк вакиллик ҳисобварағи орқали тўловлар узлуксизлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларидан юқори фоиз ставкада жалб қилинган 673 млрд. сўмлик маблағлар қайтарилди ва 2018 йилда ўртача 90 млрд. сўмлик харажатларни иқтисод қилишга замин яратилди.

Ҳисобот даврида жисмоний шахслар учун 11 та миллий ва 3 та хорижий валютада янги омонат турлари жорий қилиниб, аҳолининг банк омонатларига жалб этилган бўш пул маблағлари миқдори **988 млрд. сўмга** етказилди. Жумладан, жисмоний шахсларнинг муддатли ва жамғарма омонатларига жалб қилинган маблағлар миқдори 106 млрд. сўмга ошди.

Банк кредит қўйилмалари **3 трлн. 373 млрд. сўмни** ташкил этиб, 2017 йил бошига нисбатан 371 млрд. сўм ёки *112 фоизга* ўсди.

2017 йил давомида банк активлари таркибидаги мавжуд муаммоли қарздорликларни бартараф этиш юзасидан кўрилган тадбирлар натижасида **156 млрд. сўмлик** муаммоли кредитлар ундирилди.

Муаммоли активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга захиралар ташкил этилиши, шунингдек ликвидликни таъминлаш учун юқори ставкаларда ресурслар жалб қилиниши ва Ҳукумат йиғилиш баёнларига асосан 3,0 млрд. сўмлик ҳомийликларни амалга оширилиши 2017 йил банк бизнес режасида белгиланган фойда кўрсаткичи ижросига салбий таъсир кўрсатди (*фойда режаси 26,0 млрд. сўм, амалда 2,6 млрд. сўм - 10%*).

Ўтган йилда иқтисодиёт тармоқларини қўллаб-қувватлашга **5 трлн. 693 млрд. сўмдан** ортиқ кредитлар ажратилиб, уларнинг ҳажми 2016 йилга нисбатан 976 млрд. сўм ёки 121 фоизга кўпайди.

Банк кредитлари ҳисобига молиялаштирилган лойиҳалар ҳамда банкда хизмат кўрсатилаётган мижозлар кўмагида 2017 йил давомида **10,7 мингта янги иш ўринлари** ташкил этилишига замин яратилди.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, техник ва технологик модернизация қилишга йўналтирилган лойиҳаларни

молиялаштиришга **1 трлн 34 млрд. сўм** инвестицион кредитлар ажратилиб, ўтган йилга нисбатан 125 фоизга ўсди.

Ушбу кредитларнинг 297 млрд. сўми (29%) саноатга, 428,3 млрд. сўми (41%) қишлоқ хўжалиги, 86,8 млрд. сўми (8%) қурилиш ва транспорт, 95,1 млрд. сўми (9%) моддий-техник таъминот, 126,7 млрд. сўми (12%) иқтисодийнинг бошқа соҳаларига йўналтирилди.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига мувофиқ 5496 та лойиҳаларни молиялаштиришга **1 трлн 259 млрд. сўм** маблағлар йўналтирилди, шундан **404 млрд. сўмлик** банк кредитлари йўналтирилди. Жумладан, саноат соҳасида – 217 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигида 79 млрд. сўм ва хизмат кўрсатиш йўналишида – 107 млрд. сўм кредитлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилда республика худудларига ташрифлари давомида берилган топшириқларнинг ижроси доирасида 33 та лойиҳани молиялаштириш учун 197 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

Ўтган йилда иқтисодийнинг етакчи стратегик тармоқлари бўлган пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига **739 млрд. сўм** кредит маблағлари ажратилди.

Хусусан, “**Ўзпахтасаноат**” акциядорлик жамияти корхоналарнинг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш ва барқарор фаолиятини таъминлашга **234 млрд. сўм** маблағлар йўналтирилди.

“**Ўздонмахсулот**” компанияси тизими корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш, барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашга **282 млрд. сўмлик** кредитлар ажратилди. Жумладан, компания тизимидаги дон корхоналарини модернизация қилиш учун **51 млрд. сўмлик** кредит маблағлари йўналтирилди.

Вазирлар Маҳкамаси йиғилиш баёнига асосан “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” унитар корхонасига 2017 йил мавсумига ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари етказиб беришни таъминлаш учун **110 млрд. сўм** миқдорида кредит берилди.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар ва ўзгаришлар, тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бораётганлиги соҳани тизимли равишда молиявий маблағлар таъминлашда Агробанк иштирокининг кенгайтиришига сабаб бўлмоқда.

Ўз навбатида, пахта ва ғаллачиликдаги 55 мингдан ортиқ фермер хўжаликларида хизмат кўрсатиш ва ҳосилни етиштиришни молиялаштириш тўлиқ Агробанк орқали амалга оширилиши, банкнинг имкониятини кенгайтириш билан биргаликда катта масъулиятни юклади.

2017 йилда фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун

банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан **409 млрд. сўмдан** ортиқ кредитлар ажратилди (*2016 йилга нисбатан 114 млрд. сўм ёки 139 фоизга кўп ажратилди*).

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, хусусан фермер хўжаликларини юқори унумли техникалар, агрегатлар ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлашга **189 млрд. сўм** кредитлар йўналтирилди. Ушбу маблағлар ҳисобига 484 та хайдов ва чопиқ тракторлари, 214 та комбайн, 20 та пахта териш машинаси ҳамда 1800 тадан ортиқ турли қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлар етказиб берилди.

Муҳтарам Президентимиз томонидан ҳудудларга ташрифлари давомида фермер хўжаликлари ихтиёридаги ер майдонлари ҳамда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш орқали мамлакатимиз *аҳолисининг озиқ-овқат эҳтиёжсини таъминлаган ҳолда*, маҳсулотларни экспорт қилишга масалаларига жиддий эътибор қаратмоқда.

Банк томонидан ҳам бундан тегишли хулоса чиқарилган ҳолда, 2017 йилда **озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш** ҳажмини ошириш мақсадида **468 млрд. сўмлик** кредитлар ажратилди.

Агробанк томонидан кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама сифатли банк хизматлари кўрсатиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳисобот даврида кичик бизнес субъектларига **1 трлн. 232 млрд. сўмлик**, шундан тадбиркорлик субъектларига **454 млрд. сўм** миқдоридан микрокредитлар ажратилди. Тадбиркор аёлларнинг лойиҳаларини молиялаштиришга 169 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни кенгайтириш учун 31 млрд. сўмлик кредитлар берилди.

Одий аҳолини тадбиркор қилиш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича шахсий томорқалардан самарали фойдаланиш мақсадида банкка бириктирилган 837 та аҳоли пунктларидаги 1 млн. 260 мингта хонадонни қамраб олиниб, 55193 та вакилларига банк томонидан 338,5 млрд.сўмлик кредитлар ажратилиши таъминланди.

Шунингдек, банк филиаллари томонидан 1413 та кам таъминланган оила аъзоларига жами 7 млрд. 321 млн.сўмлик кредит маблағлари ажратилди ҳамда ушбу тадбирлар орқали уларнинг бандлиги таъминланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 мартдаги 119-сонли қарорига асосан 2017 йил давомида намунали 14 туманларидаги аҳоли хонадонларида парранда боқиш, лимон етиштиришга мўлжалланган иссиқхоналар ташкил этиш, грек ёнғоғи етиштиришни йўлга қўйиш мақсадида 7801 та хонадон эгаларига жами 43,1 млрд.сўмлик кредитлар ажратилди.

Хусусан, мамлакатимизда валюта сиёсатининг либераллаштирилиши, юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотишнинг йўлга қўйилиши шароитида банкнинг ушбу йўналишда бозордаги

мустаҳкам ўрнини эгаллашга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, ҳудудларда жисмоний шахсларга сифатли банк хизмати кўрсатиш мақсадида банк томонидан қўшимча 187 та валюта айирбошлаш шохобчалари очилди.

Ҳисобот даврида пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш мақсадида ўрнатилган терминаллар сони **31 мингдан**, тарқатилган пластик карточкалар сони **2,3 миллиондан** ошди. 2017 йилда банк пластик карточкалар ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар 8,2 трлн. сўмни ташкил этиб, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали 4,2 трлн. сўмлик айланмалари амалга оширилди.

2017 йил давомида пластик карточкалар орқали кўрсатилаётган банк хизматларини ривожлантиришга **33,9 млрд. сўмлик харажатлар** амалга оширилди, шундан қўшимча 10,6 мингта терминаллар олишга 23,5 млрд.сўм, 80 та банкоматларга 8,7 млрд.сўм, 22 та инфокиоск сотиб олишга 589 млн. сўмлик маблағлар йўналтирилди.

Ўтган 2017 йилда банкнинг барча бўғинларида фаолият самарадорлигини ошириш, жумладан Бош офис таркибий тузилмалари ва ҳудудий филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида **банкнинг ички бошқарув тузилмаси қайта кўриб чиқилди**.

Банк Бошқарувининг қарори билан 2017 йил 1 ноябрдан **Бош офис, ҳудудий бошқармалар ва банк филиалларининг янги ташкилий тузилмаси** амалиётга жорий қилинди.

Банкнинг 13 та ҳудудий бошқармаси ва 177 та филиалларида жами **8,0 мингтадан** ортиқ ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Банк структурасини қайта кўриб чиқиш натижасида **Бош офис штат таркиби қисқартирилиб**, бўшаган штатлар ҳисобига банкнинг туман филиалларида ходимлар сони оширилди.

Ҳисобот даврида ходимларнинг малакасини ва билим даражасини ошириш мақсадида банкнинг **7,6 мингта** ходими *малака ошириш курслари ва семинарларига* жалб қилинди. Хусусан, **499** та раҳбар ва мутахассис ходимлар *республика ўқув марказларида*, **7210** та ходим эса *Агробанк минтақавий ўқув марказларида* ташкил этилган тренинг-ўқувларида малакасини оширди.

Банк асосий кўрсаткичларининг сўнгги бир йилда кескин яхшиланиши халқаро алоқаларни ривожлантириш, хорижий кредит линияларини жалб қилишни кенгайтириш бўйича катта имкониятлар яратди. Ҳозирга қадар банк мижозларининг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида фақат Туркиянинг **“Зираат банки”**дан кредит линия жалб қилиш бўйича шартномалар имзоланган эди.

Ушбу кредит линия маблағлари ҳисобидан 42 та лойиҳани

молиялаштириш учун **65,9 млн. АҚШ** доллари миқдорида кредитлар ажратилган бўлса, 2018 йил давомида **30 млн. АҚШ доллари**гача лойиҳалар молиялаштирилади.

Муҳтарам Президентимизнинг 2018 йил 23 мартда “Банк хизматларининг оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан банклар томонидан истеъмолчилар учун очиқликни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимида бўлган ишончни янада ошириш борасида амалга ошириладиган аниқ вазифаларни белгилаб берилган бўлиб, Агробанк томонидан **тадбирлар Йўл харитаси** қабул қилинди. Бугунги кунда, миждозларга кредит бериш бўйича худудий филиалларнинг ваколатлари оширилиб, банк тариф сиёсатида жисмоний шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектларининг кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, кредит ажратиш учун тўловлар ундиришни тақиқлаш бўйича нормалар киритилди. Шунингдек, халқаро тўлов карталарига сотиб олинган хорижий валютани нақд шаклда ечиб олиш, халқаро тўлов карталаридан пул маблағларини хорижий ва миллий валютадаги муддатли омонатларга ўтказишни таъминловчи жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларини масофадан туриб бошқариш тизими жорий этилди.

Йиғилиш кун тартибидаги 5 – масала

Банкнинг 2017 йил молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан тафтиш комиссияси аъзоси **Р.М.Хайтметовнинг** ҳисоботи эшитилди.

Юритилаётган бухгалтерия ва статистика ҳисобининг мавжуд меъёрий қоидаларга мувофиқлигини таҳлил қилинди.

Банкнинг молиявий-ҳўжалик, банк фаолиятига белгиланган меъёрий кўрсаткичлар, белгиланган параметрларга риоя қилиниши кўриб чиқилди.

Ҳисобот йилида банк Кенгаши томонидан тасдиқланган текширувлар режа - графигига асосан банк филиалларида ички аудит текширувлари ўтказилганлиги қайд этилди.

Банк Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш банк аппарати томонидан амалга оширилади. Унда банк фаолиятига бевосита тааллуқли бўлган қарорлар ва унга илова қилинган чора-тадбирлар ижроси қатъий назоратга олинган.

Йиғилиш кун тартибидаги 6 – масала

Банкда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари юзасидан йиғилиш раиси А.Р.Каримовнинг маърузаси эшитилди:

Банк Кенгашининг 2018 йил 14 майдаги йиғилиш қарорига ва Корпоратив бошқарув кодексиинг 36-моддаси тавсиясига асосан банкда

2017 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳолаш ўтказиш учун баҳоловчи ташкилотни танлаш бўйича танлов ўтказилди ва танлов натижасига кўра “Тошкент” Республика фонд биржаси АЖ танланди.

Банкда 2017 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш “Тошкент” Республика фонд биржаси АЖ томонидан ўтказилиб, 2018 йил 29 майда ҳисобот ва хулоса тақдим этилди.

Тақдим этилган хулосасига кўра банкда Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари “юқори” бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан тасдиқланган саволнома асосида 715 балл, яъни 60 фоизни ташкил этилган.

Банк Кенгашининг 2018 йил 14 майдаги йиғилишида банкда Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаси бўйича “Тошкент” Республика фонд биржаси АЖ томонидан тақдим этилган ҳисобот ва хулоса маълумот учун қабул қилинган ва тасдиқлаш учун акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Йиғилиш кун тартибидаги 7 – масала

Банкнинг 2017 молиявий йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш юзасидан банк Бошқаруви раиси С.С.Ходжаев томонидан ҳисобот берилди.

Банк активлари 4 994,4 млрд. сўмни ташкил этиб, унинг таркибида даромад келтирадиган активлар 3 885,8 млрд. сўмни ёки жами активларнинг 78 фоизини, даромад келтирмайдиган активлар эса 1 108,6 млрд. сўмни ёхуд жами активларнинг 22 фоизини ташкил қилди.

Банк мажбуриятлари 3 620,5 млрд. сўмни, капитали эса 1 373,9 млрд. сўмни ташкил этди. Ҳисобот йилида банкнинг жами даромади 1 206,4 млрд. сўмни, жами қилинган харажатлари эса 1 203,8 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда, соф фойда 2,6 млрд. сўмдан иборат бўлди.

Олинган даромаднинг 600,1 млрд. сўмини ёки 49,7 фоизини фоизли даромадлар, 606,4 млрд. сўмини ёхуд 50,3 фоизини фоизсиз даромадлар ташкил қилган. Ўтган йилнинг шу даврга нисбатан фоизли даромадлар 121,2 млрд. сўмга ёки 25,3 фоизга, фоизсиз даромадлар эса 331,8 млрд. сўмга ёки 120,8 фоизга ошди.

Амалга оширилган харажатларнинг 446,3 млрд. сўмини ёки 37,1 фоизини фоизли харажатлар, 172,3 млрд. сўмини ёки 14,3 фоизини фоизсиз харажатлар, 403,8 млрд. сўмини ёки 33,5 фоизини операциялар

харажатлар, 163,3 млрд. сўмини ёки 13,6 фоизини эҳтимолий йўқотишларга қарши захира харажатлари ташкил қилган.

Ўтган йил шу даврга нисбатан фоизли харажатлар 56,9 млрд. сўмга ёки 16,4 фоизга, фоизсиз харажатлар 14,4 млрд. сўмга ёки 22,5 фоизга, операцион харажатлар 53,8 млрд. сўмга ёки 16,8 фоизга ошган. Харажатларнинг 13,1 млрд. сўмини ёки 1,7 фоизини даромад солиғини баҳолаш харажатлари ташкил қилган.

Яқунланган 2017 йил бўйича банк филиаллари баланси асосида олинган жами 62,7 млрд. сўмлик фойда ва 65,4 млрд. сўмлик зарарлар умумлаштирилганда олинган 2,7 млрд. сўмлик соф фойда миқдори ўзгармаган ҳолда, филиалларнинг тегишли даромад ва харажатлари қайта тақсимланди.

Ўз навбатида молиявий йил яқунланганидан сўнг банк филиаллари томонидан 2017 йилга таалукли харажатлар (инкассация ва бошқа воситачилик хизматлари харажатлари, солиқлар ва бошқа харажатлар) бўйича 2,4 млрд. сўмга тўғриловчи бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилган. Шунингдек, 1,9 млрд сўм миқдорида олдинги йилда ундирилиши лозим бўлган даромадлар балансида акс эттирилди. Натижада, банкнинг 2017 молиявий йил якуни билан олган соф фойдаси 2,15 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Банкнинг ҳисобот йилдаги молиявий фаолияти “PriceWaterhouseCoopers” халқаро аудиторлик компанияси томонидан ташқи аудит текширувидан ўтказилди ва молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига тўла мос келиши тўғрисида хулоса олинди.

2017 йил натижаси бўйича олинган **2 151,9** млн. сўм соф фойдаси ҳамда ўтган йилларнинг тақсимланмаган **2 852,6** млн. сўм фойдаси жами **5 004,5** млн. сўм фойдаси банк Кенгаши томонидан қуйидагича тақсимлаш учун таклиф этилган:

- умумий захира фондига - **4 858,5** млн. сўм ёки фойданинг 97,1 % ;
- имтиёзли акция эгаларига дивиденд сифатида - **146,0** млн. сўм ёки фойданинг 2,9 %.

Банкнинг бир дона имтиёзли акциясига солиқларни инобатга олмаган ҳолда **292,00** сўм ёхуд номинал қийматига нисбатан 25 фоиз миқдоридаги дивидендлар акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилган санасидан бошлаб 60 кун муддатда ўрнатилган тартибда пул маблағлари шаклида тўлаб берилади.

2017 йил 22 декабрда ўтказилган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 35-сонли баённомасига асосан 30903 - “Умумий захира фонди” маблағлари ҳисобидан жами 124,9 млрд. сўм қисми собиқ ходимлар томонидан етказилган зарарларни қоплашга йўналтирилиши

натижасида жорий йил 1 январь ҳолатига умумий заҳира фонди 505 млн. сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 32-моддасига асосан “Жамиятда жамият уставида назарда тутилган, аммо унинг устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда заҳира фонди ташкил этилиши белгиланган бўлиб, банкда бу кўрсаткич 0,04 фоизни ташкил қилмоқда. Бу эса банк томонидан фаол равишда заҳира фондини шакллантириб борилишини тақозо этади. Шу муносабат билан банкнинг йиллар давомида асосий воситаларни қайта баҳолашдан ҳосил бўлган **21 859,6 млн. сўм** ижобий фарқ суммасини ҳам умумий заҳира фондига йўналтириш тавсия этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, банкнинг 2017 молиявий йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлашни, банк капиталининг мақбул даражада бўлишини таъминлаш мақсадига 2017 йил натижаси бўйича олинган **2 151,9** млн. сўм соф фойдаси ва ўтган йилларнинг тақсимланмаган **2 852,6** млн. сўм фойдаси жами **5 004,5** млн. сўм фойдаси банк Кенгаши томонидан киритилган таклиф бўйича тақсимлашни ҳамда йиллар давомида асосий воситаларни қайта баҳолашдан ҳосил бўлган **21 859,6 млн. сўм** ижобий фарқ суммасини ҳам умумий заҳира фондига йўналтиришга таклиф этилди.

Йиғилиш кун тартибидаги 8 – масала

Йиғилиш раиси А.Р.Каримов акциядорларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 89-сонли Қарорининг иловаси билан тасдиқланган банк Кенгаши таркибига киритиладиган аъзолар билан таништирди.

- 1. Арипов Абдулла Нигматович** - Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Кенгаш раиси
- 2. Каримов Анвар Расулович** - Молия вазирининг ўринбосари, Кенгаш раиси ўринбосари
- 3. Вахабов Аброл Джабарович** - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари
- 4. Хаджизадаев Шерзод Рафатович** - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари
- 5. Максудов Алишер Иркинович** - “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

- | | |
|--|---|
| 6. Вафаев Шухрат Абдушарифович | - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори |
| 7. Мирзаев Шухрат Шахабутдинович | - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори |
| 8. Каримов Мухтор Акбарович | - “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти Бошқаруви раиси |
| 9. Хайдаров Сурат Очилович | - “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси бошқарув раиси |
| 10. Холхўжаев Саидкаххор Мухаммадкарим ўғли | - “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси |

Йиғилиш кун тартибидаги 9 – масала

Йиғилиш раиси банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисидаги масала бўйича акциядорларини номзодлар билан таништирди.

Банк тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар:

- | | |
|--|---|
| 1. Позиллов Музаффар Мухаммадисмоилович | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Агросаноат мажмуи молияси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари |
| 2. Худойбердиев Олимжон Абдуллаевич | Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бошқармаси бош мутахассиси |
| 3. Тўхтамишев Мурод Сохатович | “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи |

Йиғилиш кун тартибидаги 10 – масала

Йиғилиш раиси А.Р.Каримов акциядорларни Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 89 - сонли ҳамда 2017 йил 3 августдаги “С.С.Ходжаевни “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Бошқаруви раиси этиб тайинлаш тўғрисида”ги 582 - сонли Қарорларига асосан Бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини бир йил муддатга узайтиришни акциядорлардан сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги 11 – масала

Банкнинг Юридик департаменти директори Ж.А.Саипов банкнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш бўйича банк акциядорларига қуйидагиларни маълум қилди:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/10-сонли Қарори билан “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низом”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги ва банк Бошқарувининг 2017 йил 11 октябрдаги 79/1 – сонли қарорига асосан банк Бошқаруви тузилмаси янги таҳрирда тасдиқланганлиги муносабати билан “Агробанк” АТБнинг янги ташкилий тузилмаси лойихаси ишлаб чиқилди.

Йиғилиш кун тартибидаги 12 – масала

Банкнинг Юридик департаменти директори Ж.А.Саипов банкнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш бўйича банк акциядорларига қуйидагиларни маълум қилди:

Банк Кенгашининг 2017 йил 26 июлдаги 9/1-сонли қарори билан номинал қиймати 1168 сўм бўлган 946 061 643 дона умумий қиймати 1 104 999 999 024 сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни муомалага чиқариш бўйича банкнинг “Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида”ги қарори тасдиқланди ҳамда 2017 йил 23 августда P0226-24-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Банкнинг мазкур “Қўшимча акциялари чиқарилиши тўғрисида”ги қарорга мувофиқ муомалага чиқарилган акциялар ёпиқ обуна орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги ПҚ-3066-сонли “Тижорат банкларининг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 июндаги ВМҚ-338-сонли “2017-2019 йиллар даврида республикада биогаз қурилмаларини жорий этиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан банк устав капиталига киритиладиган 130,0 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағлар ҳисобига қўшимча чиқарилган акцияларни жамғармага жойлаштирилиш орқали давлат улушини ошириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 августдаги 3215с-сонли ҳамда 2018 йил 4 январдаги ПҚ-3459-сонли “Қишлоқ хўжалигини техник жиҳозлашни янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинганлиги муносабати билан Банк кенгашининг 2018 йил 15 январдаги 1/1-сонли қарори билан банкнинг 2017 йил 23 августда P0226-24-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида”ги қарорига

Ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди ва 2018 йил 18 январда 15-07/004-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

“Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида”ги қарорига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан банкнинг номинал қиймати 1 168 сўм бўлган 1 680 577 411 дона умумий қиймати 1 962 914 416 048 сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий акциялар чиқарилиши ҳамда акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси акциялар чиқарилишидаги энг охирги акция жойлашган кун, лекин акциялар чиқарилуви давлат рўйхатга олинган санадан 210 кундан ошмаслиги лозим этиб ва ушбу муддатда қуйидаги банк акциядорларига жойлаштирилиши белгиланди:

Муомалага чиқарилган 1 252 495 220 дона ёки 1 462 914 416 960 сўмлик акциялар Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига;

Акцияларнинг 428 082 191 донаси ёки 499 999 999 088 сўмлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига.

Акциялар чиқарилуви давлат рўйхатга олинган санадан 210 кун давомида, яъни 2018 йил 21 март ҳолатига муомалага чиқарилган акцияларнинг 1 451 467 821 дона, 1 695 314 414 928 сўмлик ёки 86,37 фоизи жойлаштирилган бўлиб, чиқарилиш шартларига асосан акцияларнинг олтмиш фоизидан кўп қисми жойлаштирилганлиги сабабли эмиссия амалга ошган ҳисобланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 30 августда 2000-сон билан рўйхатга олинган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш” Қоидаларининг 85-1-бандига асосан акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга акциялар тўлиқ жойлаштирилмаганда ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш мумкинлиги белгиланган.

Мазкур талаблардан келиб чиқиб, 2017 йил 23 августда P0226-24-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Агробанк” акциядорлик тижорат банки қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига 2018 йил 28 майда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тижорат банклари олдига қўйилган вазифаларни самарали бажариш банкимизнинг молиявий барқарорлиги ва капитали етарлилигини таъминлаш, ресурс базасини мустаҳкамлаш, активларнинг сифати ва даромадлилигини янада оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2658-сонли қарорида 2017-2019 йилларда акциядорлар ва қўшимча инвесторларнинг маблағлари ҳисобига кейинчалик

ресурсларни қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашга йўналтирган ҳолда банк устав капиталини босқичма-босқич ошириши белгиланган.

Банкимизнинг молиявий барқарорлигини ва ликвидлигини таъминлаш мақсадида банк томонидан банк устав капиталини ошириш мақсадида эълон қилинган акциялари миқдорини 5 000 500 000 (Беш миллиард беш юз минг) дона акциялар, жумладан 500 000 (Беш юз минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли ва 5 000 000 000 (Беш миллиард) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар қилиб белгиланади ва улар келгусида босқичма-босқич “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Йиғилиш кун тартибидаги 13 – масала

Банкнинг Юридик департаменти директори Ж.А.Саипов банк уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича банк акциядорларига куйидагиларни маълум қилди:

Банкнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгиланиши ўз навбатида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан банк Уставининг 19-бандига тегишли ўзгартириш киритишни тақозо этади.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги N ЎРҚ-459-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 8 ва 76-моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан банк Уставининг 57-бандига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни тақозо этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/10-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/6 – сон “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари кўйиш тартиб тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ўз кучини йўқотганлиги сабабли банк Уставининг 68 ва 72-бандларига тегишли ўзгартириш киритишни тақозо этади.

Шунга кўра:

банк Бошқарув раисининг ўринбосарлари ва Бошқарув аъзолари банк Кенгаши томонидан ўрнатилган тартибда тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади.

Шунингдек, банкнинг ҳудудий бошқармалари ва филиаллари раҳбарлари банк Бошқаруви томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59 ва 60-моддаларига асосан банк Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради ҳамда ушбу масала бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Шунга кўра, банк Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш масаласини кўриб чиқиш банк акциядорлари эътиборига ҳавола этилади.

Йиғилиш кун тартибидаги 14 – масала

Банкнинг Юридик департаменти директори Ж.А.Саипов сўзга чиқиб, “Банк акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Банкнинг Кенгаши тўғрисида”ги, “Банкнинг Бошқаруви тўғрисида”ги, “Банкнинг Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалалар юзасидан акциядорларига маълумот берди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 8 ва 76-моддаларига ҳамда банк уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганли муносабати билан “Банк акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Банкнинг Кенгаши тўғрисида”ги, “Банкнинг Бошқаруви тўғрисида”ги ҳамда “Банкнинг Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришларни тасдиқлаб бериш акциядорлардан сўралди.

Йиғилиш кун тартибидаги 15 – масала

Банкнинг Юридик департаменти директори Ж.А.Саипов банк томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар битимлар тузилиши мумкин бўлган аффилиланган шахслар рўйхатини тасдиқлаш бўйича банк акциядорларига кўйидагиларни маълум қилди:

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 85-моддасига кўра жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс жамиятга нисбатан аффилиланган шахслар деб эътироф этилади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 9-бобига кўра аффилиланган шахслар билан

тузиладиган битимни (битимларни) маъқуллаш жамият акциядорлари умумий йиғилишининг ваколатига киради.

Қонуннинг 88-моддасига кўра жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

Шунингдек, ушбу қонуннинг 91-моддасига мувофиқ жамият ва аффилиланган шахс ўртасидаги битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида жамият кузатув кенгашининг ёки акциядорлар умумий йиғилишининг олдиндан қарор қабул қилиши мумкинлиги белгиланган.

Шунга кўра банк томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар битим (битимлар) тузилиши мумкин бўлган аффилиланган шахслар рўйхатини тасдиқлаш масаласига акциядорлардан овоз бериш сўралди.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, кун тартибига киритилган масалалар юзасидан қарор қабул қилиш акциядорлардан сўралди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

I. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш

(А.Р.Каримов)

**Овоз бердилар: - 1 749 376 822 овоз, ёқлаганлар – 1 749 376 822 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ**

Банк саноқ комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1) Абсаламов Бахтиёр Аширбаевич - "LEADER FINANCE" масъулияти чекланган жамияти директори, комиссия раиси.

2) Очилов Шухратилла Тоштемирович - Банкнинг Ғазначилик департаменти бошқарма бошлиғи в.б, комиссия аъзоси.

3) Ибрагимова Мукаддас Абдукадировна - Банкнинг Ғазначилик департаменти бош мутахассиси, комиссия аъзоси-котиби.

II. Акциядорлар навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш

(А.Р.Каримов)

**Овоз бердилар: - 1 749 376 822 овоз, ёқлаганлар – 1 749 376 822 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ**

Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансин (1 - илова).

III. Банк Кенгашининг 2017 йил якунлари бўйича ҳисоботини эшитиш

(А.Р.Каримов)

**Овоз бердилар: - 1 749 376 822 овоз, ёқлаганлар – 1 749 376 822 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ**

1. Банк Кенгаши 2017 йил якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин (2 - илова).

2. Банк Кенгаши зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 89-сонли Қарорларида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, омонатчилар, кредиторлар ҳамда акциядорлар манфаатларини ҳимоялаш мақсадида банкнинг активлари, мажбуриятлари ва 2018 йил Бизнес - режаси ижросини таҳлил қилган ҳолда банк Бошқаруви фаолиятини мунтазам кузатиб бориш, ҳар чоракда банк Бошқаруви ҳамда Ички аудит хизмати фаолияти якунлари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб, тегишли қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижроси юзасидан доимий назорат ўрнатиш вазифалари топширилсин.

IV. Банк Бошқарувининг 2017 молиявий йил якунлари ва 2018 йилдаги асосий фаолият йўналишлари тўғрисида ҳисоботларини кўриб чиқиш

(С.С.Ходжаев)

**Овоз бердилар: - 1 749 376 822 овоз, ёқлаганлар – 1 749 376 822 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ**

1. Банк Бошқарувининг 2017 молиявий йил якунлари ва 2018 йилдаги асосий фаолият йўналишлари тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин (3 - илова).

2. Банк Бошқарувига зиммасига 2018 йил 23 мартда Банк хизматларининг оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаш;

- банкинг халқаро алоқаларини кенгайтириш, хорижий молия институтларининг кредит линияларини кенг жалб қилиш бўйича ишларни самарали ташкил этиш;

- банк фойдасини кўпайтириш ҳамда асосий қисмини банкнинг капиталлашувига йўналтириш орқали банк капиталини ошириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг депозитлари ҳажмини ошириш;

- Муҳтарам Президентимизнинг ҳудудларга ташрифлари давомида банкка юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш, хусусан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича истиқболли лойиҳаларга банк кредитлари ажратиш;

- пахта ва ғалла етиштиришни имтиёзли кредитлаш борасидаги таваккалчиликларни самарали бошқариш, ажратилаётган маблағларни мақсадли йўналтириш ҳамда мониторинг тизимини такомиллаштириш, бу жараёнда дастурий таъминот ва ахборот технологиялари воситаларидан кенг фойдаланиш;

- банк активлари, шу жумладан кредит портфели сифатини янада яхшилаш юзасидан тегишли тадбирларни кўриб бориш;

- нуфузли халқаро рейтинг компаниялари томонидан берилган баҳоларни мунтазам равишда ошириб бориш чораларини кўриш;

- банкнинг инвестицион фаоллигини янада ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини кенгайтириш;

- кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган кредитлар ҳажмини ошириш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш;

- аграр секторни барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчиллик билан чуқурлаштириш, фермерлик харакатини қўллаб қувватлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш;

- пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда янги ва қулай бўлган масофавий хизмат турларини кенг жорий этиш вазифалари юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш банк Кенгаши зиммасига юклатилсин.

V. Банкнинг 2017 йил фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг хулосасини кўриб чиқиш

(P.M.Хайтметов)

**Овоз бердилар: - 1 749 376 822 овоз, ёқлаганлар – 1 749 376 822 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ**

1. Банкнинг 2017 йил фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин (4 - илова).

2. Банк Бошқарувиға Тафтиш комиссияси хулосасида кўрсатиб ўтилган таклифларни амалга ошириш бўйича зарурий чора - тадбирларни кўриш вазифаси топширилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш банк Кенгаши зиммасига юклатилсин.

VI. Банкда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш

(А.Р.Каримов)

Овоз бердилар: - 1 749 376 822 овоз, ёқлаганлар – 1 749 376 822 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ

Банкда 2017 йил якунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаси бўйича “Тошкент” Республика фонд биржаси АЖ томонидан тақдим этилган ҳисобот ва хулоса тасдиқлансин.

VII. Банкнинг 2017 молиявий йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш

(С.С.Ходжаев)

Овоз бердилар: - 1 749 376 822 овоз, ёқлаганлар – 1 046 550 860 овоз, қаршилар – 702 825 962 ва бетарафлар йўқ

1. Банкнинг 2017 молиявий йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботи тасдиқлансин (5 - илова).

2. Банкнинг 2017 молиявий йил натижаси бўйича олинган **2 151,9** млн. сўм соф фойдаси ҳамда ўтган йилларнинг тақсимланмаган **2 852,6** млн. сўм фойдаси жами **5 004,5** млн. сўм банк фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- умумий захира фондига – **4 858,5** млн. сўм ёки **97,1** фоиз;

- имтиёзли акция эгаларига дивиденд сифатида - **146,0** млн. сўм ёки **2,9** фоиз.

Бунда, банкнинг бир дона имтиёзли акциясига солиқларни инобатга олмаган ҳолда **292,0** сўм ёхуд номинал қийматга нисбатан **25** фоиз миқдорида йиллик дивиденд белгилансин ва 2018 йил 20 августга қадар ўрнатилган тартибда пул маблағлари шаклида тўлаб берилсин.

3. Банкнинг оддий акциялари бўйича дивиденд тўланмаслик тавсия этилсин.

4. Банкнинг йиллар давомида асосий воситаларни қайта баҳолашдан ҳосил бўлган **21 859,6 млн. сўм** ижобий фарқ суммасини умумий захира фондига йўналтирилсин.

5. Мазкур қарор ижросини таъминлаш вазифаси банк Бошқаруви зиммасига юклатилсин.

VIII. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш

(А.Р.Каримов)

Банк Кенгаши таркибини сайлаш бўйича кумулятив овоз бериш натижалари:

Т/р	Номзодлар		овоз берди	тарафдор
1.	Арипов Абдулла Нигматович	-	1 749 376 822	1 749 376 822
2.	Каримов Анвар Расулович	-	1 749 376 822	1 749 376 822
3.	Вахабов Аброл Джабарович	-	1 749 376 822	1 749 376 822
4.	Хаджизадаев Шерзод Рафатович	-	1 749 376 822	1 749 376 822
5.	Максудов Алишер Иркинович	-	1 749 376 822	1 749 376 822
6.	Вафаев Шухрат Абдушарифович	-	1 749 376 822	1 749 376 822
7.	Мирзаев Шухрат Шахабутдинович	-	1 749 376 822	1 749 376 822
8.	Каримов Мухтор Акбарович	-	1 749 376 822	1 749 376 822
9.	Хайдаров Сурат Очилович	-	1 749 376 822	1 749 376 822
10.	Холхўжаев Саидқаххор Мухаммадкарим ўғли	-	1 749 376 822	1 749 376 822

Банк Кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1.Арипов Абдулла Нигматович	-	Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Кенгаш раиси
2.Каримов Анвар Расулович	-	Молия вазирининг ўринбосари, Кенгаш раиси ўринбосари
3.Вахабов Аброл Джабарович	-	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари

- 4.Хаджизадаев Шерзод Рафатович** - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси ўринбосари
- 5.Максудов Алишер Иркинович** - “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти Бошқаруви раиси
- 6.Вафаев Шухрат Абдушарифович** - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори
- 7.Мирзаев Шухрат Шахабутдинович** - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори
- 8.Каримов Мухтор Акбарович** - “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти Бошқаруви раиси
- 9.Хайдаров Сурат Очилович** - “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси бошқаруви раиси
- 10.Холхўжаев Саидқаххор Мухаммадкарим ўғли** - “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

ІХ. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш

(А.Р.Каримов)

Банк тафтиш комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- 1.Позиллов Музаффар Мухаммадисмоилович** - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Агросаноат мажмуи молияси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Овоз бердилар: - 1 749 376 822 овоз, ёқлаганлар – 1 749 376 822 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ

- 2.Худойбердиев Олимжон Абдуллаевич** - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бошқармаси бош мутахассиси

Овоз бердилар: - 1 749 376 822 овоз, ёқлаганлар – 1 749 376 822 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ

3.Тухтамишев Мурод Сохатович - “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти
Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи
бошқармаси бошлиғи

**Овоз бердилар: - 1 749 376 822 овоз, ёқлаганлар – 1 749 376 822 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ**

**X. Банк Бошқаруви раиси билан тузилган меҳнат шартномасини
1(бир) йил муддатга узайтириш**

(А.Р.Каримов)

**Овоз бердилар: - 1 749 376 822 овоз, ёқлаганлар – 1 749 376 822 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ**

1. Бошқарув раиси Саидкамол Саидкаримович Ходжаев билан тузилган меҳнат шартномаси 1(бир) йил муддатга узайтирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш банк Кенгашига топширилсин.

XI. Банкнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш

(А.Р.Каримов, Ж.А.Саипов, А.Р.Каримов)

**Овоз бердилар: - 1 749 376 822 овоз, ёқлаганлар – 1 749 376 822 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ**

“Агробанк” АТБнинг янги ташкилий тузилмаси тасдиқлансин
(6 - илова).

**XII. Банкнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп
миқдорини белгилаш**

(А.Р.Каримов, Ж.А.Саипов, А.Р.Каримов)

**Овоз бердилар: - 1 749 376 822 овоз, ёқлаганлар – 1 749 376 822 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ**

Банкнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдори 5 000 500 000 (Беш миллиард беш юз минг) дона акциялар, жумладан 500 000 (Беш юз минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли ва 5 000 000 000 (Беш миллиард) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар этиб белгилансин.

XIII. Банк Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш

(А.Р.Каримов, Ж.А.Саипов, А.Р.Каримов)

**Овоз бердилар: - 1 749 376 822 овоз, ёқлаганлар – 1 749 376 822 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ**

1. Банкнинг Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Банк Бошқаруви зиммасига банкнинг Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларни амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида рўйхатдан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

**XIV. “Банк акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги,
“Банкнинг Кенгаши тўғрисида”ги, “Банкнинг Бошқаруви тўғрисида”ги
ҳамда “Банкнинг Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларига
қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш**

(А.Р.Каримов, Ж.А.Саипов, А.Р.Каримов)

**Овоз бердилар: - 1 749 376 822 овоз, ёқлаганлар – 1 749 376 822 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ**

1. “Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг “Банк акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Банкнинг Кенгаши тўғрисида”ги, “Банкнинг Бошқаруви тўғрисида”ги ҳамда “Банкнинг Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар 8, 9, 10 ва 11 - иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш банк Кенгашига топширилсин.

**XV. Банк томонидан қундалик хўжалик фаолияти жараёнида
акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар битимлар
тузилиши мумкин бўлган аффилланган шахслар рўйхатини тасдиқлаш**

(А.Р.Каримов, Ж.А.Саипов, А.Р.Каримов)

**Овоз бердилар: - 1 749 376 822 овоз, ёқлаганлар – 1 749 376 822 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ**

1. Банк Бошқаруви томонидан 12 - иловадаги аффилланган шахслар билан умумий тартиблар асосида имтиёзли шартларни қўлламаган ҳолда битимларни тузиш олдиндан маъқуллансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини таъминлаш банк Бошқарувига топширилсин.

Йиғилиш раиси томонидан кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилиб тегишли қарорлар қабул қилинганлиги муносабати билан йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинади.

Йиғилиш раиси _____ **А.Р.Каримов**

Йиғилиш котиби _____ **З.У.Маматкулов**

2018 йил «__» июнь

Бошқарув раиси _____ **С.С.Ходжаев**

**Юридик департаменти
директори** _____ **Ж.А.Саипов**